

**ДАВЛАТ АҲАМИЯТИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ
КУКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
ШАРТНОМА № 15 Д/КУК**

Бухоро шаҳри

“31” январ 2022 йил

Бизлар, “Бухоро вилояти автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси” номидан, бошқарма Низоми асосида иш юритувчи, бош бошқарма бошлиғи Ш. Абдуллоев бир томондан, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, “Бухоройулқўалам” унитар корхонаси номидан корхона низоми асосида иш юритувчи корхона директори А.Бобоев иккинчи томондан, (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади), “Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари қўмитаси” томонидан аниқ манзилли ва йўл ишлари рўйхатида тасдиқланган 1155 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари кукаламзорлаштириш ишларини ташкил қилиш бўйича ушбу пудрат шартномасини туздик.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Пудратчи” мазкур шартнома шартлари бўйича ўзига бириктирилган умумий узунлиги 1 155 км бўлган умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари ва ушбу йўллардаги йўл иншоотларини кукаламзорлаштириш ишлари бўйича шартномада кўрсатилган муддат давомида доимий равишда хизмат кўрсатади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари туғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига асосан “Пудратчи” га бириктирилган автомобиль йўллари, йўлдаги иншоотлар, жихозлар ва мол-мулклар “Пудратчи” нинг ихтиёрида бўлади.

II. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси “Пудратчи”нинг 2022 йил 1-чоракда тасдиқланган йўл ишларига ажратилган харажатлар сметасига асосан 994 112 000 (тўққиз юз тўқсон тўрт миллион бир юз ўн икки минг) сўмни ташкил этади. Шартномага кукаламзорлаштириш ишлари бўйича нуксонлар кайдномаси ва йўл ишлари рўйхати (харажатлар сметаси) илова қилиниб, булар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

III. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

3.1 “Буюртмачи” Ғазначилик бошқармаси орқали “Пудратчи”га шартноманинг 2-бўлимида кўрсатилган маблағни мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган харажатлар сметаси ва тўлов жадвалига мувофиқ тўлаб боради.

3.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га сақлаш ишларини бошлаш учун ойлик режанинг 40 фоизи миқдорида олдиндан аванс (бўнақ) маблағи тўлайди, қолган сумма харажатлар сметаси асосида бажарилган ишлар “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олиниб, бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан кейин тўлаб берилади (ойма-ой харажатлар тасдиқланган харажатлар сметасидан ошишига йўл қўйилмайди).

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан тегишли ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар асосида бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилмайди.

3.4. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари сақлаш ишларини молиялаштиришга ажратилган маблағлар белгиланган мақсадга эга бўлади ва тегишли автомобиль йўллари сақлаш ишлари билан боғлиқ бўлмайдиган эхтиёжлар учун олиб қўйилмайди ёки сарflanмайди. (Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

IV. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1. “Пудратчи” ушбу шартномага мувофиқ сақлаш ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача бажариб, бажарилган ишларни тўловга тақдим этади.

4.2. “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар учун шартноманинг 3.2-бандига асосан аванс маблағларини жорий ойнинг 15-санасигача бажарилган ишлар учун бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан кейин 5 кун ичида тўлаб беради.

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати :

2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси қоидаларига” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан, шартнома тегишли тартибда Ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга қиради ва 2022 йил 5 январдан тарафлар ўртасидаги бошланган муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

4.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 Пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари :

5.1.1. Ўз кучи маблағлари ҳисобидан ишларнинг календарь режасига белгиланган ҳажмда, муддатларда ва сифатли қилиб барча ишларни бажариш ва “Буюртмачи”га лойиха-смета ҳужжатларига мос келадиган ҳолатдаги ишларни камчиликларсиз топшириш;

5.1.2. Ўзига бириктирилган автомобиль йўллари ва улардаги иншоотларни, йўл жихозларини асраш, таъмирлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда йўл хизмати кўрсатиш.

5.1.3. Йўлларни сақлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари туғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2011 йил 31 декабрдаги 352-сонли қарори билан тўлдирилган «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишлари ТАСНИФИ»га ҳамда тизимдаги йўл корхоналарининг

“Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси” олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ижро ҳужжатларига қатъий риоя қилиш;

5.1.4. Йўл минтақасидан самарали фойдаланиш ва уни амалдаги қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ равишда сақлаш;

5.1.5. Сақлаш ишларини бажариш даврида техника ҳафсизлиги, атроф муҳитни, йўл минтақасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

5.1.6. Йўлларда бажарилиши зарур бўлган ишлар бажарилмаслиги ёки етарли даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан оқибатлар учун “Пудратчи” тўла жавоб беради.

5.1.7. Бажарилган сақлаш ишлари “Буюртмачи”га топширилгунга қадар бажарилган ишларнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши “Пудратчи”нинг зиммасида бўлади.

5.1.8. “Пудратчи” ўзи хизмат кўрсатаётган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини транспорт воситаларининг узлуксиз ва ҳавф-хатарсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган соз ҳолатда сақланиши учун жавобгардир. Автомобиль йўлининг тегишли бўлагида (йўл шароити билан боғлиқ) йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштиришда вакил сифатида иштирок этади.

5.1.9. Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуннинг 21-22-моддаларига асосан йўл минтақасида йўл ишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ишларни амалга ошириш “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

5.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда бажарилган сақлаш ишлари учун харажалар сметасига асосан “Пудратчи”га ҳақ тўлаш;

5.2.3. “Пудратчи” томонидан бажарилган сақлаш ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача қабул қилиб олиш.

5.2.4. Шартноманинг II-бўлимига ва илова қилинадиган харажатлар сметасига мувофиқ режалаштирилган маблағлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида ўзлаштирилмаса ўзлаштирилмай қолган маблағни “Буюртмачи” қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

5.2.5 “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган сақлаш ишларини исталган вақтда назорат қилиш ва аниқланган камчиликлар бўйича далолатнома тузиш.

VI. БАЖАРИЛГАН САҚЛАШ ИШЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

6.1.1. “Пудратчи” сақлаш ишларини томонлар ўзаро келишиб тасдиқлаган харажатлар сметаси, лойиҳа смета ҳужжатларига мувофиқ равишда ташкил этади.

6.1.2. Алоҳида маъсулиятга эга конструкциялар ва яширин ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 3 кун олдин “Пудратчи” “Буюртмачи”ни ҳабардор қилади.

Агар яширин ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб ҳабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” яширин ишларнинг қисмини ўз ҳисобидан очишга, уни қайта тиклашга мажбурдир.

6.1.3. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучи билан “Буюртмачи” белгиланган муддатда сифатсиз бажарилган ишларни қайта бажаришга мажбурдир.

6.1.4. Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга қадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафтарини юритади, дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади.

6.1.5. Сифатсиз бажарилган иш ҳажми “Пудратчи”дан қабул қилиб олинмайди.

6.1.6. Буюртмачи” бажарилган сақлаш ишларини қабул қилиб олиш учун ўз вакилини буйруқ асосида тайинлайди. У “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Бажарилган ишлар учун фойдаланилган материаллар сифати “Пудратчи” зиммасида бўлади.

6.1.7. Техник назоратчи ёки “Буюртмачи” томонидан тузилган комиссия ишлар бажарилишининг олиб борилиши ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эгадир.

6.1.8. “Пудратчи” назоратчини бажарилган ишларни қабул қилиб олиши ва иш жойига бориб келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди.

6.1.9. Назоратчи “Пудратчи” томонидан автомобиль йўллари ҳолати бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш учун техник Кенгашга таклиф киритади, йиғилишларда мунтазам қатнашади.

6.1.10. Инспекция назорати олиб бориш ва ишларни қабул қилишда “Пудратчи”га тобе бўлмаган ихтисослашган ташкилотни жалб қилган ҳолда тегишли ўлчов текширувларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Мазкур текширувлар ва лаборатория ҳулосалари учун “Пудратчи” томонидан ҳақ тўланади.

VII. ФОРС-МАЖОР.

7.1. Тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. (Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради).

7.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб булмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб булмас куч ҳолатлари узлуксиз 2 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йули билан бекор қилиниши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. “Буюртмачи” ушбу шартноманинг 3-бўлимида кўрсатилган мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганида “Пудратчи”га кечиктирилган сумманинг кунига 0,4 фоизи миқдориде пеня тўлайди, аммо пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.2. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига мувофиқ зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда “Буюртмачи”га кунига бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдориде пеня тўлайди, аммо пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеняни ҳисоблаш учун бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар далолатномаси асос бўлиб ҳисобланади ҳамда техник назоратчиларнинг билдиргиси ва маълумотномасига асосан кейинги бажарилиши лозим бўлган ишлар суммасидан чегириб қолинади.

8.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида, агар бундай келишувнинг имкони бўлмаса бу низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва уларга мувофиқ равишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида иктисодий судларига муружат қилиш йўли орқали ҳал этилади.

IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ.

9.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

9.3. “Буюртмачи” кўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати “Пудратчи”нинг айби билан узлуксизлиги кетма-кет икки ой таъминланмаганда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- “Пудратчи” томонидан қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати меъёр талабларига жавоб бермаганида;

- “Пудратчи”нинг шартнома шартларини бузиши оқибатида лойихада назарда тутилган ишлар сифати пасайганда;

- “Пудратчи”нинг шартнома шартларини тўлиқ бажариш имконияти йўқлиги ҳолати мавжуд бўлса.

9.4. “Пудратчи” кўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли :

- “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра таъмирлаш ишлари “Буюртмачи” томонидан икки ойдан ошиқ муддатга молиялаштириш тўхтатилса;

- “Буюртмачи” бажарилган ишларни молиялаштириш имкониятини йўқотган бўлса.

9.5. Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг биргаликдаги келишувига мувофиқ тугалланмаган таъмирлаш ишлари “Буюртмачи”га топширилади ва у биргаликда келишилган ҳажмда бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи”га тўлаши лозим.

9.6. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш қарорига келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт. Билдиришномани олган тараф 5 кунлик муддат ичида унга нисбатан ўзининг жавобини қайтариши лозим. Ушбу белгиланган муддатда жавоб қайтарилмаганда иккинчи тараф шартномани муддатидан олдин бекор қилишга рози эканлиги эътироф этилади ва шартномавий муносабатлар тугатилади. Шартнома 9.3. ва 9.4-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор қилинганда иккинчи тараф бу ҳақида билдиришномани олган вақтдан бошлаб шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»

Бухоро вилояти автомобиль йўллари
худудий бош бошқармаси

Манзил: Бухоро ш. Гиждувон куча 272 уй
Телефон :228-50-03
Ш.х/р 304510860064017045182118001
Бюджетдан маблағ олувчи СТИР 201188890
ОКОНХ 97400

Газначилик булинмаси номи:

Бухоро Вилоят Газначилик бошқармаси

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк

ХККА МФО 00014

Газначилик булинмаси СТИР 201122919

Бош бошқарма
бошқармаси

Ш. Абдуллоев

Юридан

Х. Шаропов

«Пудратчи»

«Бухоройўлқўкалам» унитар корхонаси

Манзил: Бухоро ш. Гиждувон куча 272 уй
Тел./факс (0365)228-59-43

х/р 22626000600823673001

Банк: ТИФМиллий банк бухоро булими

МФО: 00084 ИНН: 305180288

ОКЭД: 81300

Директор

А.Бобоев

Юрист

В.Қазоков

"КЕЛИШИЛДИ"

Бухоро вилояти АЙХББ вақчилиги



Бухоро вилояти "Бухороўйўқукалам" УМ директори

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

А.Бобоев

2022 й

"Бухороўйўқукалам" УМ Бухоро вилоятидаги умумий фойдаланувдаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини кўсагазмзорлаштириш ишларига 2022(1-чорак) йил учун

МАЅИЛ РЅВХАТИ

Table with 11 columns: №, Ўзбекистон Республикаси, 2022 йил 1-3 чорак, 3-чорак, 3-чорак, 3-чорак, 3-чорак, 3-чорак, 3-чорак, 3-чорак, 3-чорак, 3-чорак. Rows include various entities like 'Buxoro' and 'Tashkent' with financial data.

Handwritten signature

Бухоро вилояти АЙХББ вақчилиги

Директори

"Бухороўйўқукалам" УМ вақчилиги

Бош вақили

ИЧТВ бўлими

Ф.Басиев

У.Қудратов

«КЕЛИШИЛДИ»

Бухоро вилояти АЙХББ бош муҳандиси

Н.Болгаев

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Бухороўлкўкалам» УК директори

А.Бобоев

01

2022 й

«31» 01

2022 й

4P220 “Вобкент-Шофиркон-Жилвон” автомобиль йўлининг 6-20 км қисмини кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича

НУҚСОНЛАР ҚАЙДНОМА СИ

Биз куйида имзо чекувчилар комиссия аъзолари: Бухоро вилояти АЙХББ вакили Дехқонов.Ф., “Бухороўлкўкалам” унитар корхонасининг вакиллари; Директор ўринбосари Бозоров.Р, Директор ўринбосари-бош агроном Бақоев.Ғ, ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи У.Қудратов, ишлаб чиқариш техник бўлими бош мутахассиси Муродов.У мазкур қайдномани туздик шў тўғридаким, визуал текшириш ва инструментал ўлчашлари натижасида куйидаги иш турлари ва ҳажмлари аниқланди.

№	Йўлининг узунлиги(км)	Лойиҳада кўзда тутилган иш турлари ва тадбирлар	Иш ҳажмлари ҳисоблаш формуласи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Изоҳ
1	14.0	1. Кўл меҳнати ёрдамида кўчат экиладиган майдонни режалаштириш. 2. Кўл меҳнати ёрдамида кўчат экиладиган жойларни белгилаш.(Режалаштирилган майдонда разбивка ишлари) 3. Ҳар бир дарахт кўчагини(илдизи кумсиз) ўтказиш учун кўл меҳнати ёрдамида 0,5x0,5x0,5(H=0,5м) ўлчамда тупроқни қовлаш. (1100 дона кўчат) 4. Ҳар бир кўчагни қовланган жойга ўрнатиш, кейин кўл меҳнати ёрдамида кўмиб зичлаш. Шу жумладан: Япон сафораси(илдизи кумсиз) Жийда(илдизи кумсиз)	(1099x3)x1,0 (1099x3)x1,0 0,5x0,5x0,5x1100 - -	м2 м2 м3 дона дона дона	3297 3297 137,5 1100 500 600	

Бухоро вилоят АЙХББ вакили:

«Бухороўлкўкалам» УК вакиллари:

Директор ўринбосари

Дехқонов.Ф

ИЧТ бўлим бошлиғи

Бозоров.Р

Қудратов.У

Директор ўринбосари-бош агроном

Бош мутахассис

Муродов.У

«КЕЛИШИЛДИ»

Бухоро вилояти АЙХББ бош муҳандиси

Н.Болтаев

01 2022 й

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Бухоройўлқўкалам» УК директори

А.Бобоев

01 2022 й

4Р48 “Зарафшон тракти” автомобиль йўлининг 280-288 км қисмини кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича

НУҚСОНЛАР ҚАЙДНОМАСИ

Биз куйида имзо чекувчилар комиссия аъзолари: Бухоро вилояти АЙХББ вакили Дехқонов.Ф., “Бухоройўлқўкалам” унитар корхонасининг вакиллари; Директор ўринбосари Бозоров.Р., Директор ўринбосари-бош агроном Бақоев.Ғ., ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи У.Қудратов, ишлаб чиқариш техник бўлими бош мутахассиси Муродов.У мазкур қайдномани туздик шў тўғрисидаким, визуал текшириш ва инструментал ўлчашлари натижасида куйидаги иш турлари ва ҳажмлари аниқланди.

№	Йўлининг узунлиги(км)	Лойиҳада кўзда тутилган иш турлари ва тадбирлар	Иш ҳажмлари ҳисоблаш формуласи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Изоҳ
		1. Кўл меҳнати ёрдамида кўчат экиладиган майдонни режалаштириш.	(6999x3)x1,0	м2	20997	
		2. Кўл меҳнати ёрдамида кўчат экиладиган жойларни белгилаш.(Режалаштирилган майдонда разбивка ишлари)	(6999x3)x1,0	м2	20997	
1	8.0	3. Ҳар бир дарахт кўчатини(илдизи қумсиз) ўтказиш учун кўл меҳнати ёрдамида 0,5x0,5x0,5(Н=0,5м) ўлчамда тупроқни қовлаш. (7000 дона кўчат)	0,5x0,5x0,5x7000	м3	875	
		4. Ҳар бир кўчатни қовланган жойга ўрнатиш, кейин кўл меҳнати ёрдамида кўмиб зичлаш. Шу жумладан:	-	дона	7000	
		Қайрағоч(илдизи қумсиз)	-	дона	5000	
		Каталпа(илдизи қумсиз)	-	дона	2000	

Бухоро вилоят АЙХББ вакили:

«Бухоройўлқўкалам» УК вакиллари:

Директор ўринбосари

Бозоров.Р

ИЧТ бўлим бошлиғи

Қудратов.У

Директор ўринбосари-бош агроном

Бақоев.Ғ

Бош мутахассис

Муродов.У

Дехқонов.Ф

«КЕЛИШИЛДИ»

Бухоро вилояти АЙХББ бош муҳандиси

Н.Болтаев

« 31 » 2022 й

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Бухороўлқўкалам» УК директори

А.Бобоев

« 31 » 2022 й

4Р66 «Алишёр к- Вобкент ш-Алиёр к-Хужа Порсо к-А-380 "Гузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 25-37 км, 4Р69 "Бухоро ш-Бухоро парандачилик фабрикаси-41 т/й бекаги-Тулакул дахаси-Навой ш" автомобиль йўлининг 7-16 км, 4Р69а "Бухоро аэропортига шахобча" автомобиль йўлининг 0-3 км, 4Р48 "Зарафшон тракти" автомобиль йўлининг 312-340 км, 4Р72 "Далмун к-Кизибий к-Чортук к-А-380 "Гузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг

1-7 км қисмларини кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича

Н У Қ С О Н Л А Р Қ А Й Д Н О М А С И

Биз қуйида имзо чекувчилар комиссия аъзолари: Бухоро вилояти АЙХББ вакили Ф.Дехқонов, «Бухороўлқўкалам» унитар корхонасининг вакиллари; Директор ўринбосари Бозоров.Р, Директор ўринбосари-бош агроном Бақоев.Ғ, ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи У.Қудратов, ишлаб чиқариш техник бўлими бош мутахассиси Муродов.У мазкур қайдномани туздик шу тўғридаким, визуал текшириш ва инструментал ўлчашлари натижасида қуйидаги иш турлари ва ҳажмлари аниқланди.

№	Йўлининг узунлиги(км)	Лойиҳада кўзда тутилган иш турлари ва тадбирлар	Иш ҳажмлари ҳисоблаш формуласи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Изоҳ
1	58.0	1. Жўякларни ўтлардан тозалаш ва юмшатиш.(ҳар ой бир марта) 2. Тозалаб олинган ўт ва ажриқларни 50 м гача ташиш билан чиқариб ташлаш.(ҳар ой бир марта) 3. Чопиб текисланган жойга суғориш учун жўяк очиш.(ҳар ой бир марта)	- - -	м2 м2 м2	25100 25100 25100	

Бухоро вилоят АЙХББ вакили:

«Бухороўлқўкалам» УК вакиллари:

Директор ўринбосари

Директор ўринбосари-бош агроном

Дехқонов.Ф

ИЧТ бўлим бошлиғи

Бош мутахассис

Қудратов.У

Муродов.У

«КЕЛИШИЛДИ»

Бухоро вилояти АЙХББ бош муҳандиси

Н.Болтаев

2022 й

01

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Бухоройўлқўкалам» УК директори

А.Бобоев

2022 й

01

4Р221 «Галижа к.-Богнафзал к.-Галаба ш/х-Нуриллобой к.» автомобиль йўлининг 2-6 км, 4Р220 «Вобкент-Шофиркон-Жилвои» автомобиль йўлининг 0-11 км, 4Р65 «Қизилтепа ш-Араби қ-Когон ш» автомобиль йўлининг 30-45 км, 4Р68 «Галаосиё ш-Ромитан ш-А380 а/й» автомобиль йўлининг 0-30км, 4Р76 «Қорақўл ш-Қорақўл т.й.б-Янгибозор қ-Жиғачи қ» автомобиль йўлининг 5-20 км қисмларини қўқаламзорлаштириш ишлари бўйича

Н У Қ С О Н Л А Р Қ А Й Д Н О М А С И

Биз куйида имзо чекувчилар ,комиссия аъзолари: Бухоро вилояти АЙХББ вакили Ф.Дехқонов, «Бухоройўлқўкалам» унитар корхонасининг вакиллари; Директор ўринбосари Бозоров.Р, Директор ўринбосари-бош агроном Бақоев.Ғ, ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи У.Қудратов, ишлаб чиқариш техник бўлими бош мутахассиси Муродов.У мазкур қайдномани туздик шу тўғридаким, визуал текшириш ва инструментал ўлчашлари натижасида қуйидаги иш турлари ва ҳажмлари аниқланди.

№	Йўлнинг узунлиги(км)	Лойиҳада кўзда тутилган иш турлари ва тадбирлар	Иш ҳажмлари ҳисоблаш формуласи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Изоҳ
1	75,0	1. Жўяқларни ўтлардан тозалаш ва юмшатиш.(ҳар ой бир марта) 2. Тозалаб олинган ўт ва ажриқларни 50 м гача ташиш билан чиқариб ташлаш.(ҳар ой бир марта) 3. Чопиб текисланган жойга суғориш учун жўяқ очиш.(ҳар ой бир марта)	- - -	м2 м2 м2	54300 54300 54300	

Бухоро вилоят АЙХББ вакили:

«Бухоройўлқўкалам» УК вакиллари:

Директор ўринбосари

Дехқонов.Ф

ИЧТ бўлим бошлиғи

Қудратов.У

Директор ўринбосари-бош агроном

Бақоев.Ғ

Бош мутахассис

Муродов.У